



INTERNATIONAL LEGAL BASIS FOR RECOVERING PROPERTY DAMAGE FROM REHABILITATED PERSONS

Karimberdiev Mirzo Ulugbek Bahadirzhan ugli

Student of the Academy of Law Enforcement Agencies of the Republic of Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15408021>

ARTICLE INFO

Received: 08th May 2025

Accepted: 13rd May 2025

Online: 14th May 2025

KEYWORDS

Rehabilitation, property damage, international law, unlawful actions, international conventions, legal protection, compensation, international legal mechanisms, damage recovery.

ABSTRACT

This article analyzes the international legal standards for compensating property damage to rehabilitated individuals. The experience of foreign countries in compensating damage caused to rehabilitated individuals is examined, and proposals and recommendations for the procedure of compensating property damage are developed.

МЕЖДУНАРОДНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ВЗЫСКАНИЯ ИМУЩЕСТВЕННОГО ВРЕДА С РЕАБИЛИТИРОВАННЫХ ЛИЦ

Каримбердиев Мирзо Улугбек Бахадиржан угли.

Слушатель Академии правоохранительных органов Республики Узбекистан

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15408021>

ARTICLE INFO

Received: 08th May 2025

Accepted: 13rd May 2025

Online: 14th May 2025

KEYWORDS

Реабилитация, имущественный ущерб, международное право, противоправные действия, международные конвенции, правовая защита, компенсация, международно-правовые механизмы, возмещение ущерба.

ABSTRACT

В данной статье анализируются международно-правовые стандарты возмещения имущественного ущерба в отношении реабилитированных лиц. Рассмотрен опыт зарубежных стран в вопросе возмещения ущерба, причиненного реабилитированным лицам, а также разработаны предложения и рекомендации по порядку возмещения имущественного ущерба.



РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИНГАН ШАХСЛАРГА НИСБАТАН МУЛҚИЙ ЗИЁННИ УНДИРИШНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Каримбердиев Мирзо Улуғбек Баҳодиржон ўғли

Ўзбекистон Республикаси

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратура тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15408021>

ARTICLE INFO

Received: 08th May 2025

Accepted: 13rd May 2025

Online: 14th May 2025

KEYWORDS

Реабилитация, мулқий
зиён, халқаро ҳуқуқ,
қонунга хилоф
ҳаракатлар, халқаро
конвенциялар, ҳуқуқий
ҳимоя, компенсация,
халқаро ҳуқуқий
механизмлар, зиённи
ундириш.

ABSTRACT

Ушбу мақолада реабилитация қилинган шахсларга нисбатан мулқий зиённи ундиришнинг халқаро-ҳуқуқий стандартлари таҳлил қилинган. Реабилитация қилинган шахсларга нисбатан етказилган зарарни қоплаш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилиниб, мулқий зиённи қоплаш тартиби бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Юртимизда фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш давлат ва жамият олдидаги устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Жиноят-процессуал фаолиятда шахсни реабилитация қилиш, шунингдек етказилган моддий зиённи қоплаш механизми халқаро ҳуқуқ нормаларида белгиланган. Бундай халқаро-ҳуқуқий нормалар ва конвенциялар реабилитация институтларини жиноий суд амалиётида татбиқ этиш ҳамда жабрланувчиларга етказилган моддий ва маънавий зарарни бартараф этиш бўйича умумэтироф этилган меъёрлар сифатида намоён бўлади.

Реабилитация қилинган шахсларга нисбатан етказилган зарарни қоплаш масаласи халқаро ҳуқуқда муҳим инсон ҳуқуқларидан бири сифатида эътироф этилган. Бироқ, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилганда, мулқий зиённи тўғридан-тўғри ва алоҳида институт сифатида назарда тутувчи аниқ нормалар кам учрайди. Аксинча, халқаро миқёсда компенсация тушунчаси кенг маънода — давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ноқонуний ва асоссиз хатти-ҳаракатлари туфайли етказилган умумий моддий ва маънавий зарарни қоплаш билан боғланади.

Айниқса, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормаларнинг жиддий бузилиши ёки халқаро гуманитар ҳуқуққа тааллуқли қоидаларнинг кўпол равишда бузилиши натижасида юзага келган иқтисодий жиҳатдан баҳоланиши мумкин бўлган зарарлар қопланиши шарт. Бундай зарарлар ҳар бир ҳолатнинг хусусиятларига қараб, ҳуқуқбузарлик даражасига мутаносиб равишда баҳоланиши ва қопланиши лозим. Ушбу зарарлар қаторига жисмоний ёки психологик шикастлар, ишга жойлашиш, таълим олиш ва ижтимоий таъминот имкониятларининг йўқотилиши; моддий йўқотишлар,



шу жумладан келажакдаги даромадларнинг йўқолиши; маънавий зиён каби омиллар киради¹.

Жиноят ишини юритиш жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга ошириладиган процессуал қарорлар ва ҳаракатлар натижасида жабрланган шахсларни реабилитация қилиш, шунингдек реабилитация қилинган фуқароларга етказилган моддий зиённи бартараф этиш тартиби нафақат миллий қонун нормалари, балки халқаро-ҳуқуқий меъёрлар билан ҳам мустаҳкамланган ва кафолатланган ҳисобланади.

Шу билан бирга, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида қайд этилишича, ҳар бир шахсга конституция ёки қонун асосида берилган асосий ҳуқуқлари бузилган тақдирда, у мазкур ҳуқуқларни тиклаш мақсадида мустақил ва нуфузли миллий судларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим².

Ушбу Декларацияда жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахс ўзини ҳимоя қилиш учун барча зарур ҳуқуқий имкониятлар билан таъминланган ҳолда, очиқ ва холис суд муҳокамаси орқали айбдор деб топилмагунча айбсиз деб қаралиши лозимлиги мустаҳкамланган. Шунингдек, ҳеч бир шахс, содир этилган пайтда миллий ёки халқаро ҳуқуқ нормаларига кўра жиноят саналмаган ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги учун жавобгарликка тортилмаслиги кераклиги белгиланади. Бу эса халқаро ҳуқуқ доирасида айбсиз деб топилган шахсларнинг реабилитация қилиниши ва уларга етказилган моддий зарарни қоплаш жараёнида муҳим ҳуқуқий асослардан бири сифатида намоён бўлади.

Жумладан, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактнинг 2-моддасининг 3-қисмига мувофиқ, ушбу Пактга аъзо бўлган ҳар бир давлат қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

а) Пактда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлар бузилган тақдирда, ҳатто расмий шахслар томонидан содир этилган бўлса ҳам, ҳар бир шахсни самарали ҳуқуқий ҳимоя воситалари билан таъминлаш;

б) бундай ҳимояни талаб қилаётган шахсларга нисбатан суд, маъмурий орган ёки қонун билан белгиланган бошқа ваколатли институтлар орқали адолатли ҳимояга эришиш имконини яратиш ҳамда суд ҳимояси тизимини ривожлантириш;

с) тақдим этилган ҳуқуқий ҳимоя чораларини амалда таъминлашни тегишли давлат органлари зиммасига юклаш.

Бундан ташқари, Пактнинг 9-моддасида қайд этилганидек, агар шахс ноқонуний тарзда ушланган ёки қамоққа олинган бўлса, у ҳолда мазкур шахс товон ундириш ҳуқуқига эга бўлади ва бу ҳуқуқ суд орқали амалга оширилиши шарт³.

¹ Basic Principles and Guidelines on the Right to a Remedy and Reparation for Victims of Gross Violations of International Human Rights Law and Serious Violations of International Humanitarian Law. Resolution adopted by the General Assembly on 16 December 2005. Электрон манбаа: <https://www.ohchr.org/sites/default/files/2021-08/N0549642.pdf>.

² Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган. Электрон манбаа: <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights> (07.10.2024 й.).

³ International Covenant on Civil and Political Rights. By General Assembly resolution 2200A (XXI) 16 December 1966. Электрон манбаа: <https://www.ohchr.org/en/instruments-mechanisms/instruments/international-covenant-civil-and-political-rights> (04.10.2024 й.).



Лекин, ушбу Пактда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ҳамда реабилитация жараёнини амалга ошириш механизмлари назарда тутилган бўлса-да, жиноят иши туфайли судгача бўлган босқичда жабрланган ва кейинчалик реабилитация этилган шахсларга етказилган моддий зарарни қоплаш ва ундириш тартибига оид аниқ ҳуқуқий асослар ўз ифодасини топмаган.

Таъкидлаш жоизки, ушбу Пакт Ўзбекистон Республикаси томонидан 1995 йил 28 декабрда ратификация қилинган. Унда реабилитация институтлари ноқонуний равишда маҳкум этилган ёки инсон ҳуқуқлари бузилган шахсларга нисбатан тикланиши лозим бўлган ҳуқуқлар тизимининг таркибий қисми сифатида баҳоланади.

БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитаси ҳам Ўзбекистон Республикасининг бешинчи даврий ҳисоботини таҳлил қилар экан, Пактнинг 2-моддаси 3-бандида назарда тутилган нормалар асосида жабрланган шахслар самарали ҳуқуқий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишларини кафолатлаш муҳим эканлигини тавсия этган⁴. Реабилитация масаласи Қийноқларга қарши қўмита томонидан ҳам эътиборга олинган бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг бешинчи даврий ҳисоботи юзасидан билдирган якуний мулоҳазаларининг 18-бандида алоҳида тилга олинган. Унда, жумладан, қийноқлар орқали олинган далиллар ёки суд жараёнида айбланувчига асосий процессуал кафолатлар таъминланмаган ҳолларда чиқарилган суд ҳукмлари асосида айбланган шахслардан жиноий айбловларни бекор қилиш, жабрланувчиларга етказилган зарар, шу жумладан компенсация ҳамда реабилитация бериш чораларини кўриш зарурлиги қайд этилган. Шунингдек, мазкур муаммоларни чуқур ўрганиш учун мустақил текширув комиссияси тузиш масаласи ҳам кўриб чиқилиши лозимлиги таъкидланган⁵.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1985 йил 29 ноябрда 40/34-сонли Резолюция орқали қабул қилинган **«Жиноят қурбонлари ва ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ҳолатларида одил судловнинг асосий принциплари тўғрисида»**ги Декларацияда **«Қурбон»** тушунчаси жуда кенг маънода талқин қилинади. Хусусан, бу атама нафақат тан жароҳати, маънавий зиён, руҳий оғриқ ёки моддий йўқотишларга дучор бўлган алоҳида шахслар ёки гуруҳларга нисбатан қўлланади, балки ҳатто миллий жиноий қонунларга кўра ҳали жиноят сифатида тан олинмаган ҳолатларда ҳам, инсон ҳуқуқларига оид умумқабул қилинган халқаро нормалар бузилиши орқали шахснинг асосий ҳуқуқлари жиддий равишда поймол этилган бўлса, у ҳолда бундай шахс ҳам **«Қурбон»** деб ҳисобланади⁶.

Шунингдек, мазкур Декларация нормаларига кўра, жабрланган шахсларга нисбатан меҳр-шафқат билан муомала қилиш ва уларнинг шахсий қадр-қимматини ҳурмат қилиш зарурлиги таъкидланади. Қурбонлар миллий қонунчилик асосида одил

⁴Комитет по правам человека/Заключительные замечания по пятому периодическому докладу Узбекистана* https://tbinternet.ohchr.org/_layouts/15/treatybodyexternal/Download.aspx?symbolno=CCPR/C/UZB/CO/5&Lang=Ru.

⁵ Комитет против пыток/Заключительные замечания по пятому периодическому докладу Узбекистана https://tbinternet.ohchr.org/_layouts/15/treatybodyexternal/Download.aspx?symbolno=CCPR/C/UZB/CO/5&Lang=Ru.

⁶ Declaration on Basic Principles of Justice for Victims of Crime and Against Abuse of Power". 29 November 1985 by General Assembly resolution 40/34. Электрон манбаа: <https://www.ohchr.org/en/instruments-mechanisms/instruments/declaration-basic-principles-justice-victims-crime-and-abuse> (07.10.2024).



судловга мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳамда етказилган зиённи қисқа муддат ичида қоплаш имкониятига эга бўлиши лозимлиги белгилаб ўтилган.

Бундан ташқари, халқаро ҳуқуқнинг муҳим манбаларидан бири ҳисобланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясида жиноят-процессуал жараёнларда реабилитациянинг татбиқ этилишига алоҳида эътибор қаратилган. Унда шахснинг адолатли судловга эга бўлиши, асоссиз равишда судланишдан ҳимояланиши ва ҳуқуқий муҳофаза воситаларидан самарали фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланган бўлиб, мазкур Конвенция халқаро ҳуқуқий муносабатларда катта аҳамият касб этади. Конвенциянинг айрим моддаларда фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш билан бирга, реабилитация шахснинг дахлсизлиги, ҳуқуқий мақоми ва қадр-қимматини тиклашда муҳим ўрин тутаяди. Жумладан, асоссиз судланган ёки процессуал хатоларга дуч келган шахсларга нисбатан самарали ҳимояни таъминлашга қаратилган механизмлар назарда тутилган. Шу жиҳатдан олганда, реабилитация фақат суд орқали ҳуқуқларни тиклашни эмас, балки тиббий, психологик ёрдам каби кенг қамровли чоратadbирларни ҳам ўз ичига олади⁷.

Шу билан бирга, жиноят-процессуал фаолият давомида шахснинг ҳуқуқлари бузилган ҳолларда, давлат зиммасига қонунбузилиш оқибатларини бартараф этиш, шу жумладан жабрланган шахсни реабилитация қилиш вазифаси юкланади. Чунки бундай ҳолларда реабилитация ҳуқуқбузарликлар туфайли бузилган шахсий ҳуқуқлар ва қадр-қимматни тиклашга қаратилган муҳим механизм сифатида намоён бўлади. Бу доирада қуйидаги чоралар муҳим ўрин тутаяди:

- асоссиз равишда судланганлик учун товон пули тўлаш;
- қадр-қимматни тиклаш: шахс оқланганлигини оммавий ахборот воситалари ва расмий ҳуқуқий ҳужжатларда эътироф этилишини таъминлаш;
- психологик ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш: адолатсиз муомаладан жабрланган шахсларни қўллаб-қувватлаш.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Конвенциянинг аҳамияти фақат ҳуқуқбузилишлардан ҳимоя қилишда эмас, балки шахснинг ҳуқуқий мақоми ва инсоний қадр-қимматини тизимли ҳуқуқий ҳимоя воситалари ҳамда реабилитация механизмлари орқали тиклашда ҳам яққол намоён бўлади.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар орасида муҳим аҳамиятга эга бўлган манбалардан бири — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қабул қилинган маҳбусларга нисбатан муомала қилиш бўйича минимал стандартлар тўплами, яъни Мандела қоидаларидир.

Ушбу қоидаларда маҳбусларга нисбатан қийноқлар қўллаш, уларни шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи тарзда муомала қилиш ёки жазолашга йўл қўйилмаслиги қатъий белгиланган. Хусусан, маҳбуснинг соғлиғига зиён етказиши мумкин бўлган ҳаракатлар — масалан, унинг ҳужайралари, тўқималари ёки органларини олиш каби амалиётларда, хоҳ бевосита, хоҳ билвосита иштирок этиш қатъиян тақиқланади. Агар маҳбус ўзининг ёки бошқаларнинг ҳаётига, соғлиғига ёки моддий бойликларга хавф туғдирадиган ҳолат юзага келса ва буни бартараф этиш учун

⁷ European Convention on Human Rights. Электрон манбаа: https://www.echr.coe.int/documents/d/echr/convention_eng. (07.10.2024 й.).



бошқа чоралар самарасиз бўлиб қолса, қамоқхона раҳбари махсус буйруқ бериш орқали аралашishi мумкин. Бундай ҳолларда директор шошилинич тарзда шифокор ёки соҳага ихтисослашган тиббиёт ходимини хабардор қилиши, шунингдек, юқори маъмурий органларга ушбу воқеа тўғрисида ахборот тақдим этиши лозимлиги белгиланган⁸.

Айни пайтда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатлаш жараёнида шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларининг олдини олиш муҳим аҳамият касб этади. БМТ Халқаро ҳуқуқ комиссияси томонидан 1949 йилда ўтказилган биринчи сессияда қабул қилинган «**Давлатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги декларация**»нинг 6-моддасида шунга урғу берилган: ҳар бир давлат ўз ҳудудидаги барча шахсларга, уларнинг ирқи, жинси, тили ёки динидан қатъи назар, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиши шарт.

Ҳар қанчаки ҳуқуқбузарлик ҳолатини расман тан олиш жабр кўрган шахс учун зарарни тўлиқ қоплаш йўлидаги дастлабки қадам ҳисобланса-да, бу ҳолат унинг ҳолатига муайян даражада енгиллик олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, тегишли давлат органининг ушбу ҳолат юзасидан жавобгарлиги ҳақида жамоатчиликка расман ахборот бериш — нафақат давлатни ўз ҳаракатлари учун жавобгарликка тортишга хизмат қилади, балки мамлакатда қийноқлар ёки шафқатсиз муносабатларга оид умумий вазиятни яхшилашга қаратилган кенг жамоатчилик онгини шакллантиришда муҳим восита сифатида намоён бўлади.

Халқаро инсон ҳуқуқлари тизимида компенсация бешта асосий шаклда намоён бўлади:

1. **Реституция** — жабрланувчини илгариги ҳолатига қайтаришга қаратилган чоралар мажмуасини ўз ичига олади. Гарҳараки қийноқ ёки қўпол муомалалар доимий асоратлар қолдириши мумкин бўлса-да, айрим ҳолларда шахснинг озодлигини тиклаш, уни яшаш жойига қайтариш ёки мулкни ўз эгасига қайтариш орқали реституция амалга оширилиши мумкин. Бу жараён жабрланувчи келгусида яна шундай ҳуқуқбузарликка дучор бўлмаслиги учун кафолатланган бўлиши лозим.

2. **Компенсация** — товон тўлашнинг энг кенг тарқалган туридир. Жисмоний ва руҳий шикастлар, моддий йўқотишлар, имкониятлардан маҳрум этиш (таълим, иш жойи ва ижтимоий имтиёзлар), келгусидаги даромадларнинг йўқотилиши, маънавий зарар ва турли хизматлар учун қилинган харажатлар — барчаси моддий қоплашга асос бўлади.

3. **Тиклаш** — жабр кўрган шахсга тиббий, психологик, ҳуқуқий ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш орқали унинг ижтимоий ҳаётга тўлиқ қайтиши учун шароит яратиш. Шу билан бирга, реабилитация жараёнида унинг фаол иштирокини таъминлаш талаб этилади.

4. **Сатисфакция** — давлат томонидан ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни тан олиш, жабрланувчидан расман узр сўраш, ҳақиқатни эътироф этиш, бедарак

⁸ БМТнинг 1955 йилдаги жиноятнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилишга оид биринчи Конгрессида қабул қилинган Маҳбуслар билан муомала қилиш бўйича минимал стандарт коидалар (МСК). Электрон манба: Nelson-Mandela-Rules_Uzbek-Language.pdf.



йўқолганларни топиш ва мархумларнинг оилаларига кўмак бериш, шунингдек, айбдорларни жавобгарликка тортишни ўз ичига олади.

5. Такрорланмаслик кафолати — бу турдаги чоралар давлатларни қонуний, маъмурий ва ташвиқот воситалари орқали ҳуқуқбузарликнинг илдиз сабабларини бартараф этишга ундайди. Масалан, қонунчиликни ислоҳ қилиш, хизматчиларни хабардор қилиш, жазосизликка чек қўйиш кабилар шулар жумласидандир.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиясига тақдим этилган мустақил эксперт М. Чериф Бассиунининг таъкидлашича⁹, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларнинг оғир равишда бузилиши оқибатида жабрланган шахсларнинг тикланиш, товон олиш ва реабилитацияга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш, айниқса, қонун устуворлигига таянадиган демократик жамиятларда алоҳида аҳамиятга эга. Унинг фикрича, реабилитация фақат моддий товон билан чекланмасдан, инсоннинг қадр-қимматини тиклашга хизмат қилувчи кенг қамровли механизм сифатида қаралиши лозим. Шу билан бирга, Бассиуни бундай комплекс ёндашувни амалиётда самарали жорий этиш кўп ҳолларда зарур институционал мажбуриятларнинг йўқлиги сабабли мураккаб эканини ҳам урғулайди.

У, шунингдек, узоқ муддатга ёки умрбод қамалган шахслар учун реабилитация жараёнларининг алоҳида аҳамиятини таъкидлайди. Суд тизими бундай шахсларга озодликка чиқиш имконини назарда тутмоғи, бу эса реабилитация дастурларида иштирок этиш орқали амалга ошириш кераклигини қайд этади. Реабилитация фуқароларга жамиятга қайта мослашиш имконини беради ҳамда уларнинг яна жиноят содир этиш эҳтимолини камайтиради. Айниқса, жиноят содир этган шахслар учун мўлжалланган реабилитация дастурлари нафақат ушбу шахсларнинг, балки кенг жамият манфаатларига ҳам хизмат қилади. Бундай тизимли ёндашув жамият хавфсизлигини таъминлаш ва инсон ҳуқуқларини мустаҳкам ҳимоя қилишда муҳим восита сифатида қаралади.

Таъкидлаш лозимки, реабилитация масалаларига тааллуқли халқаро-ҳуқуқий манбалар орасида муҳим ўрин эгаллайдиган ҳужжатлардан бири — 1998 йил 17 июлда қабул қилинган Рим статутидир. Ушбу ҳужжат Халқаро жиноят судини ташкил этувчи шартнома сифатида эътироф этилади. Рим статuti мазкур суднинг ҳуқуқий асосларини белгилаб, унинг тузилиши, фаолият йўналишлари ва ваколат доирасини аниқлаб беради. Шу жиҳатдан, у Халқаро жиноят судининг тузилмавий ва амалий жиҳатларини тартибга солувчи асосий меъёрий-ҳуқуқий манба ҳисобланади.

Халқаро жиноят судини таъсис этувчи Рим статутининг 85-моддасида, асоссиз равишда қамоққа олинган ёки ноқонуний тарзда озодликдан маҳрум қилинган шахслар товон ундириш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган¹⁰.

Шу муносабат билан О.В. Маракова ўз фикрида шундай дейди: зарар етказувчи хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизликка йўл қўйган мансабдор шахслар етказилган зарарни қоплашдан кўра, бундай оқибатларнинг олдини олишга қизиқиши лозим¹¹.

⁹ file:///C:/Users/user/Downloads/E_CN.4_1999_65-EN.pdf.

¹⁰ <https://www.icc-cpi.int/sites/default/files/2024-05/Rome-Statute-eng.pdf>.



Хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари бевосита зарар келтирмасликка интилишлари зарур. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, баъзи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва судлар реабилитация ҳуқуқини амалга оширишга бўлган мажбуриятни инкор этишга мойил ва реабилитация қилинган шахсларга етказилган зарарни қоплаш тартибини тўлиқ тушунтиришдан бош тортаётган ҳолатлар учраб турибди.

Шунингдек, шахсни озодликдан маҳрум этиш, ҳибсга олиш ёки ушлаб туриш ҳолатларида у миллий ва халқаро-ҳуқуқий нормаларга кўра ўз иши қонунийлиги юзасидан суд назоратига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Агар шахс ноқонуний равишда ушлаб турилган ёки қамоққа олинган бўлса, унга етказилган зарар қонуний асосда қопланиши лозим. Айниқса, бундай жойларда қийноқларга дуч келиш ҳолатлари кузатилиши мумкин.

Реабилитация институти икки асосий ҳуқуқий нормалар тўпламига таянади: биринчиси – шахсни оқлаш ёки жиноят ишини реабилитация асосида тугатиш тартиби ва шартларини белгилайдиган нормалар; иккинчиси эса – мазкур қарор асосида шахс қандай зарарни қоплаш ва бошқа компенсация чораларини қўллашга ҳақли эканлигини тартибга солувчи нормалардир. Шу жиҳатдан, реабилитациянинг иккинчи қисми тўлиқ реабилитация қилинган шахснинг хоҳиш ва манфаатлари билан боғлиқ бўлиб, у товон талабидан воз кечиш ҳуқуқига ҳам эгадир¹².

Фуқароларни реабилитация қилиш ва давлат органлари фаолияти натижасида етказилган зарарни қоплаш борасидаги хорижий тажрибани таҳлил қилиш, бу соҳадаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Бундай ўрганишлар Ўзбекистон ҳуқуқ тизимидаги мавжуд бўшлиқ ва эҳтиёжларни аниқлаш ҳамда самарали халқаро ечимлардан фойдаланиш имконини беради.

Бироқ, хорижий давлатларнинг ҳуқуқий тажрибаларини амалиётга бевосита жорий қилишда эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарур. Чунки ҳар бир давлатнинг ҳуқуқий тизими ўзининг тарихий, ижтимоий ва сиёсий шароитига боғлиқ ҳолда шаклланади. Шунинг учун ҳар қандай нормани қабул қилишдан олдин унинг Ўзбекистон ҳуқуқий муҳитига мослиги, амалиётда қўлланилиш имконияти ва ижобий-манфий оқибатлари чуқур таҳлил қилиниши лозим.

Агар чет эл тажрибасидан ўринли ва пухта танланган механизмлар миллий қонунчиликка мослаштирилмасдан жорий этилса, бу ўз навбатида ҳуқуқий муносабатларда зиддият ва ноаниқликка олиб келиши мумкин. Ҳар бир норма ҳуқуқий тизимнинг ички уйғунлиги, ижтимоий талаблар ва амалий имкониятлар билан уйғунлашган тақдирдагина самарали ҳисобланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва етказилган зарарни қоплаш тамойили дунёдаги кўплаб мамлакатлар конституциялари даражасида мустаҳкамлаб

¹¹ Маракова О.В. “Правовое регулирование института реабилитации в российском уголовном процессе” Журнал российского права № 5 — 2014. Электрон манбаа: file:///C:/Users/user/Downloads/pravovoe-regulirovanie-institutata-reabilitatsii-v-rossiyskom-ugolovnom-protssesse.pdf.

¹² Маракова О.В. “Правовое регулирование института реабилитации в российском уголовном процессе” Журнал российского права № 5 — 2014. Электрон манбаа: file:///C:/Users/user/Downloads/pravovoe-regulirovanie-institutata-reabilitatsii-v-rossiyskom-ugolovnom-protssesse.pdf.



қўйилган. А.А. Яшина ўзининг монографиясида таъкидлашича, ушбу мамлакатларда мазкур принцип конституциявий қоидалар билан чекланиб қолмасдан, ички қонунчилик даражасида ҳам батафсил мустахкамланиб, амалий механизмлар билан такомиллаштирилган.

Бу давлатлар қаторига Озарбайжон, Жазоир, Албания, Австрия, Болгария, Бразилия, Венгрия, Ветнам, Германия, Греция, Италия, Испания, Хитой, Жанубий Корея, Португалия, Польша, Руминия, Швейцария ва Япония каби мамлакатлар киритилган бўлиб, уларда ҳуқуқий кафолатларни амалий таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган¹³.

Ушбу юртлар тажрибаси шуни кўрсатадики, фуқароларга етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш тизими нафақат умумий ҳуқуқий стандарт, балки ҳуқуқий давлат концепциясининг ажралмас қисми сифатида фаол қўлланилади. Бу эса инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг тизимли ва аниқ механизмлар орқали амалга оширилишини таъминлайди.

Англосаксон ҳуқуқ тизимида мансуб айрим давлатларда реабилитация тушунчаси Ўзбекистон Республикасидаги ҳуқуқий тизимдан фарқ қилади. Хусусан, Буюк Британия амалиётида реабилитация — жазо муддатини тўлиқ ўтаб бўлган шахснинг ҳуқуқларини тиклашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуаси сифатида қабул қилинади. Шунингдек, Америка Қўшма Штатлари қонунчилик манбаларидан бири бўлган Ғарбий юридик энциклопедияда бу атама аввалги ҳуқуқий мақом, ваколат ёки қобилиятларни тиклаш сифатида талқин этилади. Бундан ташқари, у маҳкум озодликка чиққанидан сўнг уни ижтимоий ҳаётга қайта мослаштиришга қаратилган қайта тарбия жараёни сифатида ҳам қаралади¹⁴.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар мисолида қаралганда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масаласи ушбу давлатларнинг конституциявий сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири экани аниқ намоён бўлади. Бунга Арманистон Конституциясининг 4-моддаси, Озарбайжоннинг 13-моддаси, Беларусь Республикасининг 2-моддаси, Украинадаги 3-модда, Қозоғистон Конституциясининг 1-моддаси, шунингдек, Грузиянинг 7-моддаси ва Қирғизистон Республикасининг 16-моддасидаги нормалар ёрқин мисол бўла олади.

Арманистоннинг 1996 йилда қабул қилинган Жиноят-процессуал кодексида реабилитация масаласига алоҳида боб ажратилмаган бўлса-да, миллий қонунчиликда ушбу институтга дахлдор нормалар мавжуд. Хусусан, кодекснинг 22-моддаси «**Суд хатолари оқибатида жабрланган шахслар ҳуқуқларини тиклаш**» мавзусига бағишланган бўлиб, унда оқланган шахс ўз ҳуқуқларини тиклаш ҳамда кўрилган зарарни қоплаш ҳуқуқига эга экани эътироф этилади. Шунингдек, ушбу модда тергов органларини шахснинг бузилган ҳуқуқларини барқарорлаш учун тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш мажбурияти билан таъминлайди. Бундан ташқари, ЖПКнинг

¹³ Mikhaleva N.A. Konstitutsionnoe pravo zarubezhnykh stran SNG: ucheb. posobie [Constitutional law of the foreign countries of the CIS: manual]. Moscow, Iurist Publ., 1998, 350 p.

¹⁴ Iashina A.A. Konstitutsionno-pravovye osnovy rehabilitatsii v Rossiiskoi Federatsii: diss. ... kand. iurid. nauk: 12.00.02 [Constitutional and legal bases of rehabilitation in the Russian Federation: diss. of. cand. of law]. Penza, 2016, 233 p.



66-моддасида «Оқланган шахс» тушунчаси изоҳланган бўлиб, унга тааллуқли ҳуқуқлар аниқ ва ёритилган тарзда баён этилган¹⁵.

Беларус Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 7-моддасида реабилитация – етказилган зарарни қоплаш ва ноқонуний жиноий таъқиб натижасида бузилган ҳуқуқларни тиклашни жиноят процессидаги асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган норма сифатида эътироф этилади. Шунга қарамай, кодексда мазкур институтни амалга ошириш механизмлари кенг қамровда баён этилмаган. Жиноят-процессуал кодексининг 465-моддасида жиноят ишларини юритувчи орган томонидан шахснинг зарарини тан олиш ва ундан расмий равишда узр сўраш мажбурияти назарда тутилган. Шу билан бирга, қонун чиқарувчи томонидан кодексга махсус 48-боб – **«Жиноят ишини юритувчи органнинг ноқонуний ҳаракатлари натижасида жисмоний ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш юзасидан иш юритиш»** номли бўлим киритилган. Унда маънавий, жисмоний ва мулкӣ зарар тушунчалари ҳамда фуқароларнинг меҳнат, пенсия, турар-жой билан боғлиқ ва бошқа шахсий номоддий ҳуқуқларининг бузилиши каби ҳолатларга аниқ ҳуқуқӣ баҳо берилган. Шунингдек, ушбу бобда зарарни қоплашга даъво қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доираси ҳам белгиланган¹⁶.

Қозоғистон Республикаси Конституциясида реабилитация ва зарарни қоплашга оид қоидалар бевосита назарда тутилмаган бўлса-да, мазкур масалалар давлатнинг соҳавий қонунчилигида ўз ифодасини топган. Жумладан, Қозоғистон Жиноят-процессуал кодексидagi 4-боб **«Реабилитация. Жиноят ишини юритувчи органларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ортидан етказилган зарарни қоплаш»** мавзусига бағишланган бўлиб, унда реабилитациянинг ҳуқуқӣ моҳияти очиқ берилган. Кодексда реабилитациянинг тўлиқ ва қисман турлари белгиланган, шунингдек, бундай ҳуқуққа эга шахслар доираси ва етказилган зарарни қоплаш тартиби ҳамда мулкӣ йўқотиш мазмуни ҳам аниқ тушунтирилган. Бундан ташқари, ЖПКнинг 39-моддасига мувофиқ, шахсни оқлаш тўғрисида қарор қабул қилган орган реабилитация қилинган шахсдан расмий кечирим сўраш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Шу билан бирга, Россия Федерациясининг Жиноят-процессуал кодексидa ҳам шунга ўхшаш тартиб мавжуд бўлиб, 136-моддада прокурор давлат номидан, зарар қайси орган томонидан етказилганидан қатъи назар, расмий узр сўраш юқини бажариши белгиланган¹⁷.

Туркменистон Жиноят-процессуал кодексидa, Қозоғистон қонунчилигидагига ўхшаш тарзда, 38-модда орқали шахсни тўлиқ реабилитация қилиш билан бирга қисман оқлаш механизми ҳам назарда тутилган. Шу билан бирга, мамлакат Конституциясининг 41-моддасидa фуқароларга давлат идоралари, муассасалар ёки хусусий шахслар томонидан қонунийликка зид хатти-ҳаракатлар орқали етказилган моддий ва маънавий зарарни суд орқали ундириш ҳуқуқи кафолатланган.

¹⁵ Арманистон Республикаси 1996 йилда қабул қилинган Жиноят-процессуал кодекси, <https://www.arlis.am/documentview.aspx?docID=82645>.

¹⁶ Беларус Республикасининг 1999 йилда қабул қилинган Жиноят-процессуал кодекси, https://continent-online.com/Document/?doc_id=30414958.

¹⁷ Қозоғистон Республикасининг 2014 йилда қабул қилинган Жиноят-процессуал кодекси, <https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000231>.



Туркменистон ЖПКдаги 4-боб эса "Жиноят ишларини юритишда ваколатли органларнинг ноқонуний ҳаракатлари ортидан келиб чиққан зарарни қоплаш" масалаларига бағишланган бўлиб, ундаги қонун нормалари мазмунан ва услубан Қозоғистоннинг ушбу соҳадаги ҳуқуқий ёндашувига яқиндир¹⁸.

Юқорида келтирилган таҳлил ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, жиноят-процессуал жараёнларда шахсни реабилитация қилинган шахсларга мулкӣ зиённи қоплашга доир муносабатларни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқий меъёрларни миллий қонунчиликка самарали татбиқ этиш зарурлиги аниқ намоён бўлади. Бу қўйидаги асосий тамойиллар билан изоҳланади:

1. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактда реабилитация қилинган шахс ҳуқуқлари бузилган ҳар бир шахсга самарали ҳуқуқий ҳимоя кафолатланиши, шу жумладан, суд, маъмурий ёки бошқа ваколатли органлар орқали ўз ҳуқуқларини тиклаш имконияти яратилиши ҳамда мулкӣ зиённи қоплаш лозим.

2. Озодликдан маҳрум этиш чоралари қонунийлигини баҳолаш суднинг фақат ҳуқуқи эмас, балки тўлиқ мажбурияти ҳисобланади. Бунда суд томонидан далилларни ҳар томонлама таҳлил қилиш талаб этилади.

3. Ҳар бир ҳолатга алоҳида ёндашган ҳолда, етказилган зарарни тўлиқ бартараф этиш учун самарали ва кенг қамровли чоралар қабул қилиниши зарур. Компенсациянинг миқдори эса етказилган зарарнинг миқёси ва ҳуқуқбузарликнинг оғирлигига мутаносиб равишда белгиланиши керак.

4. Ваколатли органлар ўз хатти-ҳаракатларида ноқонунийликка йўл қўйган тақдирда, оқланган шахсдан жамоатчилик олдида расман кечирим сўрашлари ва ҳуқуқбузарлик учун масъулиятни тан олишлари талаб этилади.

Шундай қилиб, халқаро ҳуқуқда реабилитация институтлари орқали товон ундириш асосан инсон ҳуқуқлари бузилиши билан боғлиқ зарарни қоплаш доирасида ёритилган. Махсус равишда мулкӣ зиённи ўрганиш ва тартибга солиш масалалари кўпроқ миллий қонунчилик доирасида, давлатлар тажрибаси орқали амалга оширилади. Шу боис, Ўзбекистон қонунчилигида ҳам реабилитация қилинган шахсларга нисбатан етказилган мулкӣ зиённи аниқ ва ҳуқуқий механизмлар асосида белгилаш учун халқаро умумий ёндашувлардан илҳомланган ҳолда миллий моделни ривожлантириш зарур.

References:

1. Basic Principles and Guidelines on the Right to a Remedy and Reparation for Victims of Gross Violations of International Human Rights Law and Serious Violations of International Humanitarian Law. Resolution adopted by the General Assembly on 16 December 2005. Электрон манбаа: <https://www.ohchr.org/sites/default/files/2021-08/N0549642.pdf>.
2. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул ва эълон қилинган. Электрон манбаа: <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights> (07.10.2024 й.).

¹⁸ Туркменистон Республикасининг 2009 йилда қабул қилинган Жиноят-процессуал кодекси, https://continent-online.com/Document/?doc_id=31344376.



3. International Covenant on Civil and Political Rights. By General Assembly resolution 2200A (XXI) 16 December 1966. Электрон манбаа: <https://www.ohchr.org/en/instruments-mechanisms/instruments/international-covenant-civil-and-political-rights> (04.10.2024 й.).
4. Комитет по правам человека/Заключительные замечания по пятому периодическому докладу Узбекистана* https://tbinternet.ohchr.org/_layouts/15/treatybodyexternal/Download.aspx?symbolno=CCPR/C/UZB/CO/5&Lang=Ru.
5. Комитет против пыток/Заключительные замечания по пятому периодическому докладу Узбекистана https://tbinternet.ohchr.org/_layouts/15/treatybodyexternal/Download.aspx?symbolno=CCPR/C/UZB/CO/5&Lang=Ru.
6. Declaration on Basic Principles of Justice for Victims of Crime and Against Abuse of Power". 29 November 1985 by General Assembly resolution 40/34. Электрон манбаа: <https://www.ohchr.org/en/instruments-mechanisms/instruments/declaration-basic-principles-justice-victims-crime-and-abuse> (07.10.2024).
7. European Convention on Human Rights. Электрон манбаа: https://www.echr.coe.int/documents/d/echr/convention_eng. (07.10.2024 й.).
8. БМТнинг 1955 йилдаги жиноятнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилишга оид биринчи Конгрессда қабул қилинган Маҳбуслар билан муомала қилиш бўйича минимал стандарт қоидалар (МСК). Электрон манба: Nelson-Mandela-Rules_Uzbek-Language.pdf. file:///C:/Users/user/Downloads/E_CN.4_1999_65-EN.pdf.
9. <https://www.icc-cpi.int/sites/default/files/2024-05/Rome-Statute-eng.pdf>.
10. Маракова О.В. "Правовое регулирование института реабилитации в российском уголовном процессе" Журнал российского права № 5 — 2014. Электрон манбаа: file:///C:/Users/user/Downloads/pravovoe-regulirovanie-instituta-reabilitatsii-v-rossiyskom-ugolovnom-protssesse.pdf.
11. Маракова О.В. "Правовое регулирование института реабилитации в российском уголовном процессе" Журнал российского права № 5 — 2014. Электрон манбаа: file:///C:/Users/user/Downloads/pravovoe-regulirovanie-instituta-reabilitatsii-v-rossiyskom-ugolovnom-protssesse.pdf.
12. Mikhaleva N.A. Konstitutsionnoe pravo zarubezhnykh stran SNG: ucheb. posobie [Constitutional law of the foreign countries of the CIS: manual]. Moscow, Iurist Publ., 1998, 350 p.
13. Iashina A.A. Konstitutsionno-pravovye osnovy reabilitatsii v Rossiiskoi Federatsii: diss. ... kand. iurid. nauk: 12.00.02 [Constitutional and legal bases of rehabilitation in the Russian Federation: diss. of. cand. of law]. Penza, 2016, 233 p.
14. Арманистон Республикаси 1996 йилда қабул қилинган Жиноят-процессуал кодекси, <https://www.arlis.am/documentview.aspx?docID=82645>.
15. Беларус Республикасининг 1999 йилда қабул қилинган Жиноят-процессуал кодекси, https://continent-online.com/Document/?doc_id=30414958.
16. Қозғоғистон Республикасининг 2014 йилда қабул қилинган Жиноят-процессуал кодекси, <https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000231>.



17. Туркманистон Республикасининг 2009 йилда қабул қилинган Жиноят-процессуал кодекси, https://continent online.com/Document/?doc_id=31344376.